

Мустакил Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримов 1998 йилда бўлиб ўтган бир гурух тарихчилар билан бўлган сухбатида, хар кандай цивилизация кўпдан-кўп халклар, миллатлар, эллатлар фаолиятининг ва самарали таъсирининг махсулидир» -деб таъкидлар экан, «Биз ўзимизни миллат деб билар эканмиз, ўзбекчилигимиз хакида аник тушунчага эга бўлишимиз керак» деган мухим масалани ўртага кўйди.
Хар кандай халкнинг келиб чикиши (этногенези) мураккаб ва долзарб муаммо бўлиб, умум тарих фанининг ютуклари билан чамбарчас богликдир. Шу кунларга кадар халкнинг келиб чикиши ёки этногенези тўгрисидаги масала алохида фан сифатида шаклланиб етмаган, аммо якин келажакда ўзида катор ижтимоий ва табиий фанлар ютукларини мужассамлаштирган этногенез фанининг юзага келишига шубха килмаса хам бўлади. Тарих, археология, тилшунослик, топономия, этнография каби фанларнинг жахон микиёсида кўлга киритган ютукларини, илмий жихатдан мухим фикр мулохазалари ва хулосаларини менсимай, тор миллатчилик доирасидан чика олмай мулохаза юрити нафакат фанда, балки сиёсатда хам энг катта зарарли холатларга олиб келиши мумкин. Шу сабабли хам ўзбек, тожик, туркман, киргиз ва бошка Марказий Осиё элат ва халкларнинг этногенези, яъни келиб чикиши муаммоларини факат жахон фани ютукларига таянган холда тўгри, объектив ва холисона халк этиш мумкин.
Ўзбек халкининг келиб чикиши (этногенези) нихоятда мураккабва жуда узок тарихга эга бўлган жараёндир. Бу сохада фан хозирги кунга кадар маълум ютукларга эришган. Хусусан, Фаргона водийсидаги Селунгур ва Сурхондарёдаги Тешиктошдан топилган кадимги аждодларимиз колдиклари Ўзбекистонда, Африка ва Олд Осиё худудлари билан бир каторда, хозирги замон одамларининг пайдо бўлиши жараёни юз берган худуд таркибига кириши фанда узил-кесил исботланган. Айрим олимлар томонидан билдирилган «Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон, кадимий даврлардаги монголоид ирк шаклланган худудга киради», деган фикрнинг илмий асоссизлигини антропологик маълумотлар тасдиклади. Ўзбек халкининг келиб чикиши тарихини ўрганиш канча узок яъни энг кадимги даврлардан бошланса, шунчалик унинг таркибига хозирги кунга кадар сакланиб келинаётган иркий ва этник унсурларнинг махаллий халк таркибига кирган даври ва унинг нисбий микдори тўгрисида кенгрок фикрга эга бўламиз.
Кейинги даврда ўтказилган тадкикотларда, Марказий Осиёда, жумладан хозирги Ўзбекистон худудида яшаган ибтидоий ахолининг антропологик жихатдан европеоид иркининг жанубий ёки Ўрта Ер денгизи пуштига якин эканлиги исботланган. Ўзбекларнинг жанубий европеоид иркининг ўзига хос пушти эканлиги жанубий Ўзбекистонда кашф этилган. Марказий Осиёдаги энг кадимий мустье даврига оид палеолит боланинг Тешиктошда топилган суяк колдиклари оркали исботлаш мумкин.

Мазкур иркка ўхшаш типларнинг Ўрта Ер денгизи, Олд ва Жанубий Осиёнинг айрим районларида топилганлиги диккатга сазовордир.
Сурхандарё ва Фаргона водийсининг турли жойларидан топилган хар хил курол ва буюмлар, маданий катламлар бу ерда яшаган ахоли, тешиктошликлар сингари, овчилик ва теримчилик билан шугулланиб, оловдан кенг фойдаланганликлари тўгрисида хулоса килишга имкон берди.
Демак, археологик ва полеантропологик тадкикотларга караганда, тарихий-маданий ва этник жихатдан Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистон инсоният тараккиётининг энг илк даврларидан бошлаб Олд Осиё билан боглик бўлган. Балки палеолит даврида Марказий Осиёга ахоли Олд Осиёдан кучиб кела бошлаган ва кейинчалик овчи ва теримчи кабилаларнинг кўчиш жараёни давом килиб тургандир. Бунга Мачой горидан топилган мезолит (эрамиздан аввалги УП-У! минг йилликлар) даврига оид одам суяги колдиклари ва жуда кўп моддий буюмлар далил бўлади.
Бу макондаги маданий катламларга ўхшаш топилмалар Тошкент вохасида, Туркистонда Жанубий Козогистон ва ОлД Осиё мамлакатларидаги мезолит обидаларидан топилган буюмларга ўхшайди. Палеонтропологик тадкикотлар мазкур маконларда яшаган ахоли европеоид иркига мансуб эканлигини тасдиклаган. Топилмалар Марказий Осиё ахолисининг энг кадимий даврлардан кўшни элатлар, айникса даврлардан жанубий ва гарбий кабилалар билан алокада бўлганлигини исботлайди.
Археологик тадкикотларнинг натижаларига караганда Марказий Осиёда яшаган халкларнинг пайдо бўлиши мазкур хўжалик-маданий типларнинг тарихи билан бевосита боглик бўлиб, уларнинг этник хусусиятларини белгилаб берган. Марказий Осиёнинг жанубида, шу жумладан Фаргонада энеолит ва бронза (Мил. Авв. II минг йиллик бошларида (сунъий сугориш дехконлиги, тош куроллар билан бирга илк металл куролларининг ишлатилиши, хам эшитдан курилган уйларнинг, чархда ясалган безакли сопол идишларининг пайдо бўлиши махаллий кабилаларнинг жойлашиши ва уларнинг алокалари кандай бўлганлигидан далолат беради. Археологларнинг фикрича, эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарида Амударё кўйи окимида пайдо бўлган Тозабогёб маданияти Жанубий Урал бўйи давлатларида шаклланиб, Хоразмга Шимол-Шарк Оролбўйи оркали келган, деб фараз килинади. Тозабогёб маданиятининг таркалган даври Хоразмда энг кадимги ирригациянинг пайдо бўлишига тўгри келган. Эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарида Хоразмга Тозабогёб маданиятига оид кабилаларнинг келиши хинд-европа ва хинд -эронлик кабилаларнинг шимоли-гарбдан катта кўчиши билан боглик бўлиши эхтимолдан холи эмас. Кейинги вактда ўтказилган казилмалар хам Марказий Осиёнинг жанубий минтакаларида Тозабогёб маданиятининг таъсири кучайганлигидан, дашт кабилаларининг Марказий Осиёга йирик кўчишлардан дарак беради. Бундай кабилаларнинг жануб, жануби-шарк томон кучли харакати эр. Аввал. II минг йиллик охири 1 -минг йиллик бошларида рўй берганлиги тарихдан маълум. Бу харакатда суергон маданиятига эга кабилалар хам иштирок килган. Археологик материаллар мазкур чорва кабилаларининг (мил.авв. ХМХ асрларда) Ўзбой, Атрек, Тежен, Мургоб, Амударё, Сирдарё каби дарёлар бўйлаб кўчиб ўтганлигини тасдиклайди.
Палеонтропологик маълумотларга караганда, палеолит даврида Олд Осиёдан шимоли -гарб томон, яъни Ўрта Осиёга очилган кўчиш йўли кейинги неолит ва жез (бронза) даврига келиб янада кучаяди. Янги даврда мазкур тарихий -маданий ва этник алокалар янада кучайганлигини археологик казишмалар хам тасдиклайди. Айникса жез (бронза) даврига оид топилган кўп сонли кабрлар ўша вактда яшаган ахолининг антропологик

тузилишини аниклашга ёрдам беради. Антрополог олим Т.К. Хўжайов таърифича, Ўзбекистонга шимолий-гарбий томондан Европанинг юкори палеолит, мезолит ва неолит ахолиси вакиллари кела бошлаган, жанубда эса, жанубий европеоид типлар келиб, Ўзбекистон ахолисининг кўпчилик кисмини ташкил килган. Унинг тахминича, ўша даврдан бошлаб ўзбек халкининг шаклланишида ўзига хос европеоид компонентлар асос бўлган. Мазкур фикрни археологик кашфиётлар хам тасдиклайди. (И.Жабборов. Ўзбек халкининг этнографияси. _Т., «Ўкитувчи», 1994,58-бет).
Эрамиздан аввалги I минг йилликда Марказий Осиёда ижтимоий иктисодий ўзгаришлар рўй берди. Ишлаб чикарувчи кучларнинг ривожланиши, шахар-калъаларнинг пайдо бўлиши, йирик сугориш ва мудофаа иншоотларининг курилиши даставвал текин кўл мехнатисиз мумкин эамас эди.
Милодийдан аввалги УШ-УП асрларда ташкил топган кадимги Бактрия ва Хоразмда яшаган хозирги ўзбек, тожик ва кисман туркманларнинг аждодлари асосан эроний тилларнинг шаркий шахобчаси ва кисман туркийлашган сак ёки скиф тилларида гапиришганлар.
Ўзбек халкига хос Марказий Осиё икки дарё оралиги иркининг шаклланиш даври, макони ва тарихи масалаларида фанда якин-якингача ягона фикр йўк эди. Бир гурух олимлар бу ирк бундан 6-8 минг йил илгари, иккинчи гурух мутахасислар 3 минг йил илгари шаклланган деса, учинчи гурух олимлари эса XVI асрларда шаклланди, деб хисоблар эдилар. Антропологик изланишлар натижасида муаллифлар икки дарё оралигидаги иркнинг шаклланиши, жуда бой антропологик маълумотлар асосида, бундан 2200-2300 йил илгари бошланганлигини исботладилар. Катор илмий асарларда ўзбек халкининг шаклланишида бир катор мухим дарлар санаб ўтилган. Булар каторида Ахамонийлар, Искандар Зулкарнайн Араб халифалиги, мугуллар истилоси тилга олинади. Хакикатан, бу боскинчиликлар Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон халклари маданиятига тилига, турмуш тарзга, табиийки, ўз таъсирини ўтказган. Аммо бу юришларнинг махаллий халкларнинг бркий ва этник тарихига таъсири ўта кам бўлганлигини алохида таъкидлаш керак! Антропологик нуктаи назардан караганда, улар махаллий халк конини ёки гегетикасини тубдан ўзгартираолмаганлар, ўзгартиришлари хам мумкин эмас эди. Чунки хеч качон келгиндилар махаллий ахолидан устун бўлиши мумкин бўлмай, балки кўпсонли махаллий ахоли таркибига улар кетиб, махаллий ахоли, хусусан, Ўзбекистон худудида барча тарихий даврларда (махсус антропологик тадкикотларнинг кўрсатишича (махаллий халк келгинди ахолидан хамиша устун бўлган.
Бу масалага Президент И.Каримов тарихчи олимлар билан бўлган учрашувда аник ва равшан хамда мутлако инкор этиб бўлмайдиган ўз нуктаи назарини билдириб, фикримизча, охирги нуктани кўйди:
«.. Мовароуннахр сархадларига узок тарихимиз давомида не-не боскинчилар кириб келмаган, кўп йиллар, балки, асрлар давомида юртимизда не-не ўзга сулолар хукмронлик килмаган, дейсиз. Бир сўз билан айтганда, минг йиллар давомида юртимизга келиб-кетганлар озми? Эрондан Ахмонийлар, Юнонистондан Александр келди, Арабистондан Кутайба, Мўгилистондан Чингизхон келди, рус истилочилари келди. Лекин халк колди-ку. Хўш, бунда кандай сир-синоат бор? Халк кандай ички куч-кудратига ўзлигини саклаб колди? Кадим-кадим замонлардан ўтрок яшагани, илм-маърифатга интилгани, буюк маданиятга эга бўлгани, ўз урф-одатларини мукаддас билгани учун эмасми? .. » Ислом Каримов яна шуни таъкидлаб айтдиларки:
«.. Дунё халклари ва хусусан, юртимиз тараккиёт йўлининг асосий конуниятларини

мантикий тахлил килсак, шу нарса аён бўладики, Александр хам (уни Шаркда кўпрок Искандар Зулкарнайн деган ном билан билишади), Кутайба хам, Чингизхон хам генерал Черняев хам, умуман, ким бўлмасин, юртимизга бир неча ун минг ё бир неча юз минг лашкари билан келган, ишгол килган ва бу ердаги сиёсий хокимиятни кўлга олган. Яна такрорлайман: сиёсий хокимиятни. Тамом, тўгри хукмронликлари мобайнида улар мамлакатимизнинг иктисодий, савдо, илмий маданий имкониятлардан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга зўр берганлар. Бирок, шу ерда асрлар давомида яшаб келаётган махаллий ахолини, унинг кўп минг йиллик маданиятини йўк килолмаганлар, килолмасдилар хам! «Тарих -халк маънавиятининг асосидир»

Ўзбек халкининг этник шаклланиш тарихи асосан учта тарихий даврга бўлинади:

Биринчи давр: Милоддан аввалги биринчи минг йилликдан милодий VIII асрга бўлган даврни ўз ичига олади. Мил. Авв. III-II асрларда Марказий Осиё дашт минтакаларида хозирги ўзбек халкига хос антропологик киёфа шакллана бошлаган. Бу эса фанда якингача кенг таркалган фикрлар,яъни ўзбекларга хос Марказий Осиё икки дарё оралиги ирки аввало Волга дарёси бўйларида ва Уралда сармот кабилалари таркибида шаклланиб таркалди, деган ёки бир ирк
Байкал кўли атрофида шаклланиб тайёр холда махаллий ахолига ўз иркини таркатди, деган фикрлардан воз кечишни такозо этади.
Тадкикотларга кўра, Хоразм, Бактрия, Сугдиёна, Паркана, Тохаристон, Чоч худудларида ўтрок ва кўчманчилик билан шугулланиб келган аждодларимизнинг турмуш тарзи бир бирига чамбарчас боглик бўлганлиги аникланган. Шу худудларда асрлар давомида яшаб келган массагетлар саклар, хоразмийлар, бахтрлар, сугдийлар, тохарлар, давонликлар ўзбек халкининг асосини (этногенези) ни ташкил этади. Олиб борилган тадкикотлар ўзбекларга хос антропологик киёфаси, даставвал, Сирдарёнинг ўрта хавзаси туманларида, яъни Тошкент вохаси, Фаргона водийси, кисман Хоразмда ва жанубий Козогистоннинг Чимкент вилояти, Еттисув минтакасида мил. Авв. I минг йиллик охирида шакллана бошлаганлиги аникланади. Мил. Авв. III-II асрларда бу ахоли бир неча йўналишда Марказий Осиёнинг марказий ва жанубий вилоятларига кириб борган. Бу антропологик тадкикот натижалари ёзма манбаларда маълум бўлган халкларнинг жанубга юриши ва Юнон -Бактрия давлатининг тор-мор этилиши ва Буюк Кушон салтанатининг барпо бўлиши даврига мос келади.
Ўзбекларнинг келиб чикиши кадим тарихида саклар, массагетлар, тохарлар номи билан машхур бўлган ва кадим замонларда Марказий Осиё хамда унинг теварак атрофида кўчиб юрган халкларга Сугд, Хоразм, Бактрия, Паркана (Фаргона) ва Шошнинг кадимий халкларига бориб такалади. Ўшанда улар яшаб турган воха номи билан сугдийлар, хоразмийлар, бактрияликлар, парканаликлар, тошкентликлар деб аталиб тарихда колган.
Ўзбек ва тожикнинг халк бўлиб шаклланишида мил. Авв. Биринчи минг йилликнинг охирлари ва милодийнинг дастлабки асарларида Жайхун ва Сайхун оралигига кўчиб ўтган бир катор туркийзабон халклар ва Жайхуннинг жанубидан кўчиб ўтган форс тилида сўзлашувчи кабилалар, шунингдек IV-V асрларда бу ерга шимол тарафдан кўчиб ўтган хионит кидарит ва эфталит деб аталувчи халклар ва нихоят, УГУП асрларда Марказий Осиёда ўз хукмронлигини ўрнатган Гарбий Турк хоконлигининг туркийзабон халки катта роль ўйнайди.

Ўзбек халкининг этник шаклланишидаги иккинчи мухим давр бу IX-XII асрлар хисобланади. Бу даврда Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистон хозирги ўзбекларга хос киёфа махаллий ахолининг асосий кисмини ташкил этган. Илгарилари бу жараённи факат XIXII аср этник жараёнлари билан боглаб курилган. Кейинги йиллардаги топилган шу давр материалларини икки тарихий даврга яъни IX-X ва XI-XII асрларга бўлиб ўрганиш максадга мувофик деб хисобланмокда. IX асрда Ўзбекистон худудида, тадкикотлар натижасига караганда, ахолининг антропологик киёфасида кескин ўзгаришлар юз берган. Бу ўзгаришлар археологик казишмалар натижасида хам кузатилган. Ўзбекларнинг элат сифатидаги шаклланиш даври фанда XI-XII асрлар билан изланиб келинар эди. Тадкикот натижалари бу жараённи IX-X асрларга оид дейилишига асосдир.
Ўзбекларнинг этник таркиби IX-XII асрларда бойиди ва такомиллашди. X асир охири - XI аср бошларида корахонийлар билан бирга Олтой, Еттисув ва Шаркий Туркистондан Мовароуннахрга кўчиб келган бир талай ахолининг этник жихатдан такомиллашувига таъсир килди. Корахонийлар даврида ўзбек тилига асос бўлган корлук-чигил лахжаси ривожланди ва ёзма адабиёт даражасига кўтарилди ва ушбу лахжа ўзбек халкининг умумий тилига айланди.
Юсуф Хос Хожибнинг «Кутадгу билик», Махмуд Кошгарийнинг «Девону лугат ат -турк», Хожа Ахмад Яссавийнинг «Хикматлари» асарлари ўша даврнинг ажойиб махсулидир.
ХШ аср бошларида юртимизга Чингизхон катта кўшин билан бостириб кирди. Бу кўшин таркибида мўгуллар билан бир каторда кўплаб турклар ва турклашган мўгуллар билан бир каторда кўплаб турклар ва турклашган мўгуллар хам бор эди. Бу кабилалар, шубхасиз, ўзбек халкининг этник таркибини бойитди.
Афсуски, фанда мўгул истилоси Марказий Осиё ахолисини кескин мўгуллаштириб, ўзгартириб юборди, деган фикр хам бор. Лекин олимларимизнинг олиб борган махсус тадкикотлари бу масалага ойдинлик киритди. Мўгул истилоси Ўзбекистон ахолисининг ташки киёфасига сезиларли изларини колдирмаганлигини таъкидламок керак. Сабаби, Чингизхон ХП аср охирида ташкил этган йирик Мўгул давлатида мўгуллар сони тахминан 0,7 миллион кишидан иборат бўлган. Агар хар 6 кишидан биттаси аскарликка олинган бўлса. Унда мўгул кўшинлари сони 100-110 минг кишидан иборат бўлган. Лекин ўша даврдаги 80 миллион ахолиси бўлган Хитойга юриши даврида мўгуллар ўз кўшинларининг кўп кисмини йўкотганлар. Улар Мовароуннахрнинг бостириб келганида кўшинларнинг кўпчилиги туркий халклардан ташкил опгани маълум. Бу даврда Мухаммад Хоразмшох давлатида 20 миллион ахоли яшаган. Табиийки мўгул кўшинлари кўп сонли махаллий ахоли таркибига ўз асоратини ўтказа олмаган. Шунинг учун хам маххаллий ахолида мўгул ирки аломатлари деярли намоён бўлмаган.
Ўзбек халкининг этник шаклланишида учинчи давр ХУ аср охири - XVI аср хисобланади. Бу даврда сиёсий ва иктисодий жихатдан анча бўшашган Марказий Осиёда махаллий хоким ва подшолар орасидаги тахт талашишлар, халк оммасининг огир ахволга тушиб колиши кўшни кучланчи ўзбекларга кўл келган эди. Темурийлар сулоласининг охирги хокимлари, жумладан Фаргона хокими Бобур ва Хирот хокими Хусайн Бойкаролар Дашти Кипчокдан келган кудратли Шайбонийхон бошчилигидаги кўп сонли кўшинлар олдида ожизлик киладилар. Шундай килиб, хозирги Ўзбекистоннинг Зарафшон, Сурхандарё ва Кашкадарё водийларида, Хоразм вохаси ва бошка районларда Шайбонийхон билан келган «ўзбек» номли туркий тилдаги кабилалар хам ўрнаша бошлайди, махаллий ахоли билан аралашиб кетади. Улар янги заминдор (феодал) ларни

барпо этиб, кўп ерларни зўрлаб мусодара килиб олганлар, Амир Темур йиллар давомида тўплаган барча бойликларни ўз кўлларига киритганлар.
Ўша даврда адабий ва тарихий асарлар, хусусан, «Шайбонийнома», «Нусратнома», «Абдулланома», «Алпомиш» каби асарлар ўзбек тилида кенг таркалади.
«Ўзбек» атамаси илмий жихатдан хали тўлик аникланмаган. Дастлаб бу сўзнои араб муаллифи Усам ибн Мункиз (ХП аср охирлари) асарларида учратамиз. Кейин Рашидиддин солномаларида Жалолиддиннинг харбий навкарларидан бири хам «ўзбек» исми билан тилга олинади. Атокли тарихчи Хамдуллох Казвиний (ХУ аср) Олтин Ўрда Ўзбекхон бўлгани, тегишли ўлкани эса «Мамлакати ўзбек» деб атайди. Низомиддин Шомий ва Шарафуддин Али Яздийлар ўбекларни Олтин Ўрда номи билан боглик деган фикрни билдирадилар. Бошка манбаларга караганда, ХУ асар охири - ХУ! аср бошларида Абдулхайрхон ва унинг набираси Шайбонийхон кармогидаги барча кадила ва элатлар бирикмасига умуман «ўзбеклар» деб ном берилган. Абдулгозинининг «Шажараи турк» асарида ёзилганидек, Ок ўрда подшоси Туктагухон ўлганда сўнг ўн уч ёшли ўгли Ўзбекхон тахтга келган. У ота-бобосининг дастури билан элни забт этиб, хар кимни мартабасига лойик хурмат килиб, инъомлар берган. «Барча халк уч сохиби давлатнинг сабабиндин шарафи ислом мушарраф билдилар. Андин сўнг барча Жучи элин ўзбек эди дедилар» (Абулгрзи Шажараи турк»).
Президент И.Каримов бир гурух тарихчи олимлар, зиёлилар билан бўлган сухбатида ўзбек номининг качон пайдо бўлганлиги тўгрисидаги масалани кўйди. «Совет тарихшуносларининг ёзишича - деди И.Каримов - гўё XVi асрда бизнинг заминимизни кипчок хонлари ишгол килгандан кейин ўзбек номи пайдо бўлган эмиш. Ахир, биз Мовароуннахр деб атайдиган икки дарё оралигида унгача хам халк яшаган-ку!»
Биз Совет замонидан колган бу акидани кабул килсак, миллатимиз тарихи мана шу навбатдаги боскинчилар давридан бошланган деган нотўгри хулоса келиб чикмайдими? Унда бизнинг неча минг йиллик тарихимиз каерда колади? Самарканд, Хива хам, Бухоро хам ўзбекларники экан, бу ерларда ўзбек давлати бўлган экан, неча энди ўз тарихимизни ХУ! асрдан, кимдир келиб-кетиб, номини колдириб кетган даврдан бошлашимиз керак? Унгача хам бу ерда ўтрок халк яшаганку! Бу ерда ана шу ўтрок халкнинг маданияти бўлган-ку! Ким келмасин, масалан, мўгуллар келган, ХШ асрнинг 20 йилларида XIV асрнинг 70-йилларига кадар хукмронлик килганлар ва уларнинг маданияти махаллий маданиятига сингиб кетган. Бунда махаллий халкнинг маданияти албатта, асос бўлган, устунлик килган. Биз халкни номи билан эмас балки маданияти, маънавияти оркали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз. (И.Каримов Тарихий хотирасиз келажак йўк» 17 бет)
ХУ!-ХГХ асрлар давомида ўзбекларнинг этник шаклланиши давом килиб, ўзларининг уруг-кабилавий номларини то бизнинг асримиз бошларигача саклаб келганлар. Улар нафакат этник жихатдан балки турмуш тарзи ва ижтимоий тузуми билан хам ўзаро оз фарк килганлар. Айрим ўзбек кабилалари ўтрок дехкончиликка тўла ўтмаган кўчманчилик хўжалиги ва турмуш анъаналарини саклаб ярим ўтрок холатда яшаганлар. Улар тилларидаги (шевасидаги) фарк жихатдан хам анча ажралиб турганлар.
Аммо Турки стон ўлкаси ва ўзбек хонликлари рус мустамлакаси туфайли жахон капиталистик муносабатлари гирдобига тортила бошланади. Шу даврда аста-секин миллий уйгониш куртак отабошлайди. Миллий буржуазия пайдо бўлади. Улар ўзларининг мафкурачилари бўлмиш жадидлар оркали миллий гурур ва хис-туйгулар, анъанавий турмуш тарзи ва маданият равнаки учун жиддий кураш бошлайдилар. Чор хокимиятининг

мустамлакачилик сиёсати мазкур жараёнга тўсик бўлиб, ўзбек элининг жахон микиёсидаги ижтимоий чикишини чеклаб кўяди. Бутун Марказий Осиёнинг чоризм даврида сунъий равишда Туркистон генерал-губернаторлиги, Хива хонлиги ва Бухоро амирлигига бўлинганлиги хам махаллий элатларнинг, шу жумладан ўзбекларнинг миллий бирлигига жиддий тўсик бўлди.

XX аср бошларига келиб хозирги Ўзбекистон худудида 2,8 млн. га якин ўзбеклар яшаган бўлиб, шулардан тахминан 82 фоизи кишлокларда, 18 фоизи шахарларда жойлашган. Шуни алохида кайд килиш лозимки, ўзбекларнинг анча кисми кўшни мамлакатларда яшаб, ўзларнинг этник хусусиятларини саклаб колганлар.
Ўзбекларнинг X1X аср иккинчи ярмидан то Ўзбекистон ўз давлат мустакиллигини кўлга киритганда кадар тарихи, хаёти мустамлакачилик асорати остида кечди. Дастлаб ўзбеклар, Марказий Осиёлик бошка халклар билан бирга, X1X асрнинг 60-йилларида чор Россияси томонидан курол билан бўйсиндирилди. Шу вактдан бошлаб Турки стон ўлкани Россиянинг мустамлакасига айлантирилди. Дехкончилик маданияти ривожланган бу бой ўлка Россиянинг учун ривожланиб келаётган саноати учун хом ашё манбаига, кулай ва мумай фоида келтирувчи бозорига айлантирилди. Ок подшонинг Туркистондаги маъмурияти ва рус саноатчилари миллатфуруш махаллий феодалларнинг кўмагига таяниб, ўлканинг захматкаш, муте халкини беармон таладилар. Туркистоннинг такдири 1886 йили чор хукуматини кабул килган «Турки стон ўлкасини бошкариш тўгрисида Низом» деб аталган махсус конун билан белгиланади. Ана шу конун асосида чор Россия хукумати Туркистонда бир катор мустамлакачилик тадбирларини амалга оширди. Шулардан бири: Россия кишлокларида вужудга келган тенгликни бартараф килиш ва рус дехконларининг галаёнларини бостириш максадида уларнинг бир кисмини Россиянинг ички нихояларидан Туркистоннинг Еттисув, Сирдарё ва Фаргона вилоятларига жойлаштирилди. Махаллий дехконларнинг азалдан фойдаланиб келган ерлари тортиб олиниб, кўчиб келганларга таксимлаб берилди. 90-йиллар бошларига келиб Сирдарё вилоятининг Авлиёота (хозирги Жамбул)ва Тошкент уездларида 20 га якин, Хўжанд уездига 6-та рус кишлоклари мавжуд эди. Шахарларни хам «руслаштириш» бошланди. Масалан, Тошкентнинг бир кисмига рус ахолиси жойлаштирилиб, шахар иккига бўлиниб («янги шахар», «эски шахар») кетди. Маргилоннинг ёнида руслар учун алохида шахар бунёд этилиб, унга Скобелев номи (хозирги Фаргона) берилди.
Турки стон ўлкасининг шахарларида Русия саноат корхоналарининг асосан, тўкимачилик фирмаларининг ваколатхоналари, агентликлари, омборхоналари ташкил этилди. Ўлка Россия саноати учун зарур хом ашё (пахта, пилла, жун, тери ва х.к) лар ни йигиш, Россия корхоналари ишлаб чикарган газлама ва бошка молларни кўллаш бозорига айлантирилди.
Туркистон ўлкасида Россия саноатининг эхтиёжларини кондириш ва бошка харбий-сиёсий максадларни кўзлаб темир йўллар курилиши бошланди, Россия тўкимачилик корхоналари тараккиётининг мухим хом ашё манбаи хисобланган пахтачиликни ривожлантиришга алохида эътибор берилди.
Ерли халк ўз эркини химоя килиб чикканда чор хукумати уларни аёвсиз бостирди, чор хукумати уларни аёвсиз бостирди, чоптирди, «Сибирь» килди.
Шўролар истибдоди даврида Ўрта Осиёда миллий -давлат чегаралаш ўтказилди. Бу жараёнда жиддий сиёсий хато-камчиликларга йўл кўйилди. Туркистон ўлкаси худудий ва этник жихатдан янада парчаланиб кетди.

Шундай килиб, ўзбекларнинг XIX асрнинг иккинчи ярмидан то Ўзбекистон ўз давлат мустакиллигини кўлга киритганда кадар тарихи, хаёти мустамлакачилик асорати остида кечди.
Шўролар хокимияти даврида бизнинг юртимиз авторитар марказга бўйсинувчи хом ашё етказиб берадиган карам ўлкага айланади. Мамлакатимиз, халкимиз сиёсий, ижтимоий ва иктисодий жихатдан мутелик холатига тушиб колди.
Мустакиллигимизни кўлга киритганимизда бизга собик Иттифокдан, эски мустабид тузумдан колок бир ёклама ривожланган, пахта яккахокимлиги ва бой минерал-хом ашё ресурсларидан назоратсиз аёвсиз фойдаланиш асосига курилган иктисодиёт огир мерос бўлиб колди.
«Бу огир меросни яна бир хусусияти, -деди Президент И.Каримов Республика Олий Мажлисининг X1У сессиясида, - республикасининг ёкилги ва галла масаласида марказга карамлигида, ун, шакар, гўшт, сут махсулотлари каби энг мухим озик-овкат молларининг, бошка халк истеъмоли товарларнинг, таёр махсулотларнинг четдан олиб келинишида яккол кўринади». (И.Каримов. Ўзбекистон XX1 асрга интилмокда. Т., «Ўзбекистон» 1999. 4 бет).
Ўзбек халкининг келажаги порлок келажаги буюк. Бундай хулоса килинишича барча асос, шарт-шароитлар ва имкониятлар мавжуд. Бу хакда Ўзбекистон Президенти И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XX1 асрда интилмокда: хаффсизликка тахдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари» асарида батафсил маълумотлар берган.
Ўзбекистон халки ўзининг ер ости бойликлари билан хакли равишда фахрланса арзийди. Мамлакат худудида машхур Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлар топилган. Хозирга кадар 2,7 мингдан зиёд турли фойдали казилма конлари ва маъданлар мавжуд истикболли жойлар аникланган. Улар 100 га якин минерал хом ашё турларини ўз ичига олади. 900 дан ортик кон кидириб топилган бўлиб, уларнинг тасдикланган захиралари 970 миллиард америка долларини ташкил этади. Хар йили республика конларидан тахминан 5,5 миллиард долларлик микдорда фойдалик казилмалар олинмокда.
Ўзбекистон тупрокининг ноёб унумдорлиги унинг мухим хусусияти бўлиб, бу хол республика кудратли атросаноат салохиятига эга мамлакатга айлантириш имконини берди. Бугунги кунда Ўзбекистон ташки бозорда талаб катта бўлган махсулот-пахта толасининг асосий ишлаб чикарувчисис ва етказиб берувчиси хисобланади.
Мамлакатимизнинг хакикий бойлиги ва мулки унинг мехнатсевар, сахий ва мехмондўст халкидир.
Жамиятнинг энг олий бойлиги бўлган халк абадий кадриятларни, кудратли салохиятни ўзида жамланган. Бу салохиятни юзага чикариш, жамиятимизни ривожлантириш ва тараккий эттиришнинг жуда кучли омили бўлиб хизмат килади. Инсон салохияти энг фаол, энг бунёдкор, омил бўлиб, у мамлакатнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб берди.
Ўзбекистоннинг мухим хусусиятларидан бири шуки, бу ерда ахолининг ўсиш суръатлари юкори. Кейинги йилларда ахолининг табиий ўсиши бирмунча камайган бўлишига карамай, у хали хам МДХ мамлакатлари орасида энг юкори даражададир.
Умуман олганда, Ўзбекистон халки янги шароитда Республика Президенти И.Каримов ва хукуматимиз томонидан кўйилган муайян вазифаларни ўз муддатида бажариш учун хормай-толмай мехнат килмокда. Бундай шароитда хар бир жамият аъзосининг ўз

ватани ва унинг порлок истикболига чинакам садокатлиги, юксак сиёсий онги ва ўз вазифасини замонавий талаблар даражасида нихоясига етказилиши, маънавий етуклиги ва ахлокий баркамоллиги гоят мухим ва хал килувчи ахамият касб этади. Шундай килиб, ўзбек халки Ўзбекистоннинг махаллий туб ахолиси киёфасида Ўрта Осиё Фаргона антропологик типи белгилари етакчидир. Ўзбек халкининг тарихи Аму ва Сирдарё оралигида яшаган барча кадимий уруг, кабила, элатлар ва ўша даврларда кечган этник ва маданий жараёнлар билан узвий богликдир.

Ж. Хўжакулов